

МАЊАВИЯТ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10156384>

Ҳақлиев В.Б

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси,
т.ф.н., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг ривожланиши мањавият билан чамбарчас боғлиқлиги, миллий қадриятларнинг аҳамияти ҳақида фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: Мањавият, жамият, моҳият, ахлоқ, кишининг ички ва руҳий олами, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлар, миллат, виждан, ор-номус, ҳалол, ватанпарварлик.

Мањавият, мањавий ҳаётнинг жамият ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида сўз юритишдан олдин «мањавият» атамасининг мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. «Мањавият»нинг ўзагини «маъно», «маъни» сўзлари ташкил этиши ҳақида адабиётларда тўхтаб ўтилган. Олимларнинг фикрича, «мањавият» атамаси, бир томондан, арабча «маъни» ўзагидан ҳосил бўлган.

Илк ислом ислоҳотчилари таълимотича, Калом бир талай қисмларга бўлинган: борлиқдан аввалги ҳаёт — қўммун, атомлар ҳакидаги — жавҳар ал-фард, сабабий боғланиш тўғрисидаги таълимот — таваллуд, моҳият тўғрисидаги илм — маъна ҳисобланган. Шундай қилиб, нарса-ҳодисалар, жараён, табиат ва жамият, ҳатто Оллоҳнинг моҳияти «маъна»да ўз ифодасини топган. Иккинчи томондан, мањавият ҳам, унинг ўзаги «маъна» хам қадимги ҳинд фалсафасида кенг қўлланилган «манас» тушунчаси билан боғланган бўлиши мумкин. Бундай тақдирда у дўстлар ва улфатлар жойи маъносини билдиради. Тилшуносликка оид луғатларда ҳам «мањавият» — ахлоқийлик, кишининг ички ва руҳий олами билан боғлиқ маъноларни англашиб айтилади.⁶

Яна бошқа манбаларда Мањавият — инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Мањавият атамасининг асосида „маъно“ сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўйбости, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқа киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳисстуйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами мањавиятдир. Озиқ-овқат

⁶ Э. Умаров, М. Абдуллаев. Мањавият асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Шарқ» НМАК,

2005. – 128 бет.

одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озуқа ва қудрат бағишилайди. Маънавият маърифат ва маданият билан боғлиқ. Маънавият инсонларда бирдан вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиши, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик равнақ топади. Маънавиятли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндошади. Виждан нима? ёлғон ва рост нима? ор-номус нима? ҳалол ва ҳаром нима? — буларнинг ҳаммасини бирбиридан ажратади, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради.

Қисқаси, маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. Маънавиятли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади, одамга номуносиб турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий маданий ривожланишиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин. Маънавиятимиз „Авесто“ ва зардуштийлик таълимотидан бошлаб ҳозирги кунгача шаклланиб, бойиб, умуминсоний қадриятлар билан ёнма-ён ривожланиб бормоқда каби фикрлар келтирилган.⁷

Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу қотиб қолмаганидек, уларнинг маҳсули сифатида, маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мағкурий тазийиққа қарамай, ўзбек халқи ўз тарихий ва маданий, маънавий қадриятларини сақлаб қолди. Маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Маънавий қадриятларни тиклаш, миллий ўзликни англаш – халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат үзвий, табиий жараёнлиги ҳаммага маълум.

Маънавият шундай бебаҳо неъматки, у бизнинг қадимий халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб олиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргалиқда ёритилган. У барча қийинчиликларда инсонни тоблайди. Бу фикрларнинг исботи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишига қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамоийларига

⁷ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ma'naviyat>

асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”,⁸- деган фикрини келтиришимиз мумкин.

Демак, Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши маънавият билан чамбарчас боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шарқнинг олиму фузалолари ҳам ўз асарларида ушбу масалага бефарқ бўлмасдан эътибор билан қараганлар. Масалан, буюк мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1048) ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида инсонга хос одатларни яхши ва ёмонга ажратар экан, эзгу хислатларга тақводорлик, тўғрилик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоф, камтарлик, латофат, сабитқадамлиқ, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулоимимлиқ каби яхши сифатларни киритади. Ёмон одатлар сифатида бир-бирини пайига тушиш, рақобатлашиш, ўз нафсига эргашиш, мансаб учун курашиш кабиларни қайд этади. “Фахрланиш, – дейди Беруний – ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади”⁹, деб уқтиради.¹⁰

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгидаги маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирумасдан туриб ўз истиқболини таъминлай олмайди.

Халқимизнинг маънавий қадриятлари, бой мероси узоқ йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мағкуравий тазиикқа қарамай, ўзбек халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий, маданий ва маънавий қадриятарини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Чунки миллий менталитетимизга айнан дахлдор бўлган меҳр, ор-номус, ҳаё, ибо каби ўлмас фазилатлар, халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, кечиримлилик биздан бутунлай узоқлашгани йўқ. Ўзбекистон халқига хос бўлган меҳмондўстлик ҳозирга қадар сақланиб қолган. Маълумки, Дунё миллатларининг хавасини келтирадиган миллий урф одатларларимиздан бири - меҳмондўстлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Чет эллардан келган ҳар бир меҳмон бунга иқрор бўлади.

Қайси юрга борсак ҳам, бу одатимизни эътироф қилишади. Меҳмон сифатида нафақат қариндош-уруғларни, балки, бегоналар, йўловчиларни ҳам қабул қилганлар. Меҳмонни қабул қилиш учун маҳаллаларда маҳсус меҳмонхоналар қурганлар.

⁸ <https://qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyichayigilish-utkazdi-31829>

⁹ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.II. Т.: Фан, 1965. -538 б. 28-29 б.

¹⁰ Бахтиёр Турсунов Мутафаккирлар хуснихулқ ҳақида Қаранг: <https://www.bukhari.uz/?p=17940> 28/09/2021

Меҳмон, одатга кўра уйнинг тўрига ўтказилади. Тўкин дастурхон ёзилади. Меҳмоннинг миниб келган уловига ҳам ем-хашак берилади. Хонадон соҳиби меҳмонни яхши кутиб олмаса, жамоа назаридан қолади. Меҳмондорчилик таомили авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозиргача яшаб келмоқда.

Энди қадриятнинг умум таърифини келтирадиган бўлсак, бу - муайян бир кишилар гуруҳи (оила, жамоа, жамият) орасида алоҳида эътиборга сазовор бўлган ва ўша гуруҳ аъзолари томонидан эъзозланиб, қадрланиб келувчи маънавият тури. Демак, қадрият – бу оила, жамоа ёки жамиятда алоҳида аҳамиятга эга бўлган маънавият туридир. Қадриятлар оиласи, жамоа, миллий ва умуминсоний бўлиши мумкин. Ўзбек ҳалқи руҳининг тикланиши маънавий аҳлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик ва умуминсонийлик, қадр-қиммати, ор-номус, шон-шарафи, унинг ўта меҳрибонлиги ва соф вижданлигига асосланган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар биродарликка интилиб, умумий руҳиятга, хулқ-атворга эга бўлиб, мустақиллик йилларида миллатлараро муносабат манбаи бўлиб келган ягона маънавий руҳий тотувлик негизини вужудга келтирди.

Бугунги кунда жамиятимизда бошқа соҳалар каби тадбиркорлик, ишбилармонлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий құдрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм салоҳияти юксалаётгани Янги Ўзбекистоннинг асоси бўлади. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидағи истеъдодининг рўёбга чиқишига унинг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги ривожланишга имкон беради.

Бизнингча Янги Ўзбекистонни барпо этишда глобаллашув шароитида инсоннинг ички дунёси етук, мустақил фикрга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ўта мухим саналади. Бу йўналишда давлатимизда асрга татигулик ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонда теран дунёқарашни шакллантириш, учинчи Ренесеанс пойдеворини яратиш таълим тизимининг қандай даражада эканлигига боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 200 тага етди. Эндиғи вазифа таълим сифатини янада ошириш бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда диний толерантлик амалда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги байрами муносабати билан кўплаб маҳкумлар афв этилмоқда.¹¹

«Меҳр» операцияси натижасида ўзбекистонлик аёл ва болалар Ватанимизга қайтарилгани давлатимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлилик каби олийжаноб сиёсатига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Бунда меҳр-оқибат ва хайру саховат каби эзгу фазилатларига ҳам уйғундир. Бундай хайрли тадбирлар давлатимиз қанчалик меҳр-саҳоватли эканлигини дунёга намоён этдик. Кечириш орқали инсон қадри ва шаъни

¹¹ Қаранг: Рустамбаев М.Х. Шавкат Мирзиёев – янги Ўзбекистон ислоҳотлар меъмори. //nuz.uz. 31.08.2021, <https://qalampir.uz/>, <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-konstitutsiyaviy-tuzumiga-tazhovuzda-ayblangan-a-o-06-02-2020>

юқори эканлигини дунёга кўз-кўз қилдик. Мисол учун Россия 2017 йилдан буён бу ердан 274 нафар болаларни қайратиб олиб келди. Тоҷикистоннинг ҳам фуқароларини қайтарган.¹²

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар Ўзбекистоннинг адолатли, инсонпарвар сиёсатидан далолат беради. Биз миллий маънавиятимизни ҳимоя килишимиз лозим, миллий маънавиятимиз эса бизни ёт таъсирлардан ҳимоя киласи, ўзлигимизни сақлаб қолади. Ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга, миллий қадриятларни юксалтириш ривожланишга олиб боради.

¹² uza.uz